



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Бахтияров Жаҳонгир Туклибай ули

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17789206>

Аннотация: Ушбу мақолада хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлашнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, шунингдек ушбу тоифадаги шахслар билан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини таъминлаш йўналишлари ҳамда мавзунини кенгроқ ёритиб беришда шу соҳада хизмат қилган олимларнинг тадқиқотлари ва хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: хуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар, сабаб ва шарт шароитлар.

Аннотация: В данной статье освещены особенности работы с лицами, склонными к совершению правонарушений, а также направления обеспечения мер индивидуальной профилактики правонарушений с данной категорией лиц, исследования ученых, послуживших в данной сфере, и предложения и рекомендации по совершенствованию работы с лицами, склонными к совершению правонарушений.

Ключевые слова: профилактика правонарушений, инспектор по профилактике, лица, склонные к совершению правонарушений, причины и условия.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” ғояси асосида барча сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Инсон хуқуқлар эркинликлар ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. Хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш эса бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек,



хуқуқбузарлик ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса барча хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир. Хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан манзилли ишлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида *"Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт. Биз ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўғинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур. Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз. Ҳар бир жиноят ёки хуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак"*¹ деб бежизга таъкидламаганлар.

Хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ким ўзи биз биринчидан шунини аниқлаштириб олишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майда қабул қилинган "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасида асосий тушунчаларда хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсга таъриф берилган.

Хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс².

Ўзбекистон аҳолисининг 290 минг нафарга яқини хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахс сифатида ҳисобга олинган. Бу ҳақда 27 август куни ўтказилган матбуот анжуманида ИИВ Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи маълум қилган³.

¹[https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2018_yil_28_dekabr\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2018_yil_28_dekabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майда қабул қилинган "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.

³ «Хуқуқбузарлик содир этишга мойил 290 мингга яқин шахс ҳисобга олинган» — ИИВ. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/08/30/register/>.



Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги кўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар-жойларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қуйидаги ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг рўйхати белгиланган.

- Сурункали алкоголизмга мубтало бўлган шахслар;
- Гиёҳвандликка чалинган шахслар;
- Заҳарвандликка чалинган шахслар;
- Руҳий касаллар;
- Таносил касалликларига чалинган шахслар;
- Доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар;
- Илгари судланган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарорида ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар деб белгиланган. Буларга қуйидагилар киради.

- банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;
- қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;
- ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;
- давлат кўмагига муҳтож «оғир» тоифадаги ёшлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;
- ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;
- ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;



- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;
- оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар⁴.

Бизнинг назаримизда, ИИОлари соҳавий хизмат субъектлари йўналиши бўйича кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликка мойил шахслар тоифларини бевосита ёки билвосита “профилактика кузатув”га олиш лозим. Чунки, айрим тоифаларнинг ҳисобларда чиқиб кетиши ёки судланганлик муддатининг тамом бўлиши ҳам уларнинг тузалганлигидан далолат бермайди. Аксинча, уларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарликка мойиллик сақланиб қолади деган фикрдамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИОлари соҳавий хизмат субъектлари ваколатлари доирасида айрим тоифадаги шахсларни профилактика кузатувга олиш хусусиятига доир чора-тадбирларни “илгари судланмаган тоифаларга нисбатан қўллаш лозим эканлигини, шунингдек бу борада жиноят содир қилишга мойил шахслар аниқланиб, уларни ўраб турган яқин муҳитни ўрганиш ва зарурат бўлганда, уларни рўйхатга олиш кераклигини, ҳамда ушбу чора-тадбирлар уларга нисбатан яшаш, ишлаш, ўқиш жойи бўйича ижтимоий назорат сифатида ўтказилиш асносида жиноят содир қилишга мойил шахсларга нисбатан профилактик таъсир қилиш, асосан, ишонтириш чоралари ёрдамида амалга оширилади”⁵.

Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ижтимоий профилактика доирасида ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш амалга оширилади⁶.

Тадқиқотларда таъкидлангидек, ички ишлар органлари соҳавий хизмат субъектларининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги ижобий томонлари:

“биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини кафолатлайди;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.

⁵ Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг тушунчаси ва тоифалари Б.Т. Асланов *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. 289-301-бетлар.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.



иккинчидан, субъектлар зиммасига аниқ вазифалар юклашга ёрдам беради;

учинчидан; ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси субъектларининг маъно-мазмунини очиб беришга хизмат қилади”

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан таъсирчан ишлаш юзасидан Қ.А.Саитқулов профилактик чора-тадбирлар тизимини умумий ёки махсус бўлишига урғу берган бўлса, Р.А.Зуфаров айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, хусусан, порахўрликнинг олдини олиш учун умум профилактик тадбирлар ўтказилиши кераклигига, Х.Э.Ахмедов эса, яқка тартибдаги профилактикада мақбул чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига эътиборини қаратишган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга нисбатан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини давомли тарзда олиб бориш ҳамда индивидуал тарбиявий-психологик таъсир чораси сифатида “ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини таъминлаш асосий мақсад бўлиб, унда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятidir” деб аниқ профилактика чора-тадбир сифатида белгилаб қўйилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ИИОлари соҳавий хизмат субъектларининг асосий вазифалари бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан “ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу жараёнда уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш кўзда тутилади”⁷.

Бази бир олимларнинг фикрича, жиноятлар профилактикаси учун кўп қиррали функциялар:муҳофаза қилувчи, тартибга солувчи, тарбияловчи ва ўзига хос эканлигини, шунингдек уларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир. Мазкур ҳолатда улардан ҳар бири ўзининг ролини бажаради ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахсларни назорат қилиш ҳамда уларни жиноят содир этишдан тийилиб туришларида ҳам муҳим роль ўйнайди. Ушбу муҳофаза қилувчи ва тарбияловчи функциялар, айниқса, жиноятларнинг яқка тартибдаги профилактикасига хос бўлиб, унда

⁷ Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг тушунчаси ва тоифалари Б.Т. Асланов Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 289-301-бетлар.



жиноят содир қилишга мойил шахслар билан индивидуал ишлашга йўналтирилади. Шунингдек “жиноятларни индивидуал профилактика қилишнинг энг муҳим муаммоси бу индивидуал ишлаш зарур бўлган шахслар доирасини аниқлаш ҳисобланади”.

Шу хусусида Д.Ю.Каракетованинг фикрича, ўз моҳиятига кўра, жиноятларнинг индивидуал профилактикаси ишонтириш (тарбия) ва мажбурлаш (жазо) чора(усул)ларининг мажмуи эканлигини, шунингдек кўриб чиқиладиган профилактика турининг мақсади – жиноятни тўхтатиш, олдини олиш ва йўл қўймаслик, шахсларнинг қилмишни содир қилиш ниятини аниқлаш ва пировардида, шахснинг жиноий йўлга кириш аҳдидан воз кечишига эришиш, жиноятга мойил шахсларни аниқлашнинг мақсади эса, мазкур шахсларга салбий таъсир қилувчи манбаларни аниқлаш ҳисобланади, – деган фикрига қўшилиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг якка тартибда таъминлашни “умумий кўринишда” ҳам амалга оширса бўлади. Масалан, профилактика инспекторлари якка турдаги профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, бир хонадонда яшовчи икки ёки ундан хўжалиқдан иборат жанжалкаш ёки низоли оилаларни умумий суҳбат ўтказиш орқали қамраб олиш мумкин. Шу каби ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини ўзига хос хусусиятлари борасида С.Б.Хўжақулов, профилактика усулларининг қуйидаги таснифини ишлаб чиққан. Жумладан: 1) огоҳлантириш (расмий, норасмий); 2) Ишонтириш; 3) Рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш); 4) Мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий мажбурлаш чораларини қўллаш)⁸.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги таснифланган профилактика чора-тадбирлар мамлакатнинг барча аҳолисига нисбатан йўналтирилади, бироқ жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, эътибор айнан аниқ жиноий қилмишларга қаратилади. Айрим олимлар умумий профилактикада жиноятчиларга нисбатан қонунга итоаткор одамлар билан кўпроқ ишланади, деб ҳисоблашади. Масалан, яқин-яқингача криминологик адабиётларда умумий ижтимоий профилактика тушунчаси кенг қўлланилиб келинган. Криминологлар ижтимоий профилактикани кенг тушунча деб билиб, бу борада ахлоқий (ахлоқсиз хулқ-атворга йўл

⁸ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 66 (156).



қўймаслик) умумхуқуқий профилактика (кенг маънода ҳуқуқбузарликларни олдини олиш) тўғрисида фикр юритса ҳам бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан индивидуал тартибда ишлаш ва умумижтимоий олдини олишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у салбий ҳодисалар, жумладан ҳуқуқбузарликнинг профилактикасига қаратилмайди, фақат унга кўмаклашади, холос. Натижада, ҳуқуқбузарликка мойил шахсларнинг салбий хулқ-атвориغا нисбатан етарлича профилактика чора-тадбирлари таъминланса ҳам уларга ўз таъсирини ўтказмайди. Шунинг учун ҳам “ички ишлар органлари ходимлари томонидан тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш бериши ваколатига эга” эканлиги, профилактика инспекторлари томонидан профилактика ҳисобда бўлган тоифаларга нисбатан яқка туртибдаги чора-тадбирларини қўллашнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Ушбу профилактика чора-тадбирларининг натижадорлигини таъминлаш борасида, М.Ж.Эшназаров, “ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан юритилаётган профилактик ҳисоб ишининг (варағи, йиғма жилд) электрон шакли ҳамда “Профилактик ҳисобга олинган шахсларни ахборот тизими”ни жорий этиш ҳақидаги таклифига тўлиқ қўшилиш мумкин⁹.

Хулоса ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан юритилган профилактика ҳисоб ишларини электрон ахборот тизимини жорий этиш:

- биринчидан, қўшимча маълумотларни киритиб боришни осонлаштиради;
- иккинчидан, соҳавий хизмат субъектлари билан ҳамкорликда ахборотларни алмашишни тезлаштиради;
- учинчидан, шахсларни ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан тийилиши ва назоратда бўлишига ижобий томонлама хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси бўйича профилактика инспекторлари маҳалла ҳудудларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ҳамда ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ва аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан манзилли профилактика-тадбирларни амалга оширади. Амалга оширилган профилактик ишлар натижасида ҳар бир маҳаллада

⁹ Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Автореферти. Ўз. Рес. ИИВ Академияси. Тошкент-2022.



хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади. Бу орқали хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаб уларни тўғри йўлга бошлаш хуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали эса жамоат ҳавфсизлиги, фуқароларнинг хуқуқ эрканликлари ва қонуний манфаатлари таъминланади. Шунингдек фуқароларимиз давлатдан рози бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. [https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2018_yil_28_dekabr\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2018_yil_28_dekabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майда қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
3. «Хуқуқбузарлик содир этишга мойил 290 мингга яқин шахс ҳисобга олинган» — ИИВ. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/08/30/register/>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.
5. Хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг тушунчаси ва тоифалари Б.Т. Асланов Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 289-301-бетлар.
6. Хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг тушунчаси ва тоифалари Б.Т. Асланов Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 289-301-бетлар.
7. Хўжакулов С.Б.Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 66 (156).
8. Эшназаров М.Ж. Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Автореф-ти. Ўз. Рес. ИИВ Академияси.Тошкент-2022.
9. Бобур М., Ўғли А., Рўзиев Ж. С. Ў. профилактика инспекторининг профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлашда яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 10-16.



10. o'g'li Mustofaqulov, B. A., & o'g'li Du'smatov, S. R. (2024). Ozodlikni cheklashga hukm qilingan shaxslar bilan ishni tashkil etish bo'yicha xorijiy davlatlarning iqtisodiy tajribasi. *New Science Society International Scientific Journal* nashri yangiliklari , 1 (6), 193-200.
11. Мустофақулов Б. А. Ў., Турғунпўлатов А. А. Ў. ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 78-82.
12. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида ҳабардор қилишни такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.
13. Мустофақулов Б. А. Ў., Абдуллоев С. А. Ў. профилактика инспекторининг оммавий тартибсизликларни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 28-32.
14. Мустофақулов Б. А. Ў., Жумаев С. Ж. Ў. профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 140-146.